



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Хужанов Тиллабек Келдибекович

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

E-mail: tillabekxojanov@gmail.com

Телефон: +99.895 449-04-77

+99.890 333-62-82

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11296133>

Аннотация. Ушбу мақолада вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилганда уларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши хусусидаги миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар ўрганилган. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда эътиборга олинishi лозим бўлган ҳолатлар хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Вояга етмаган шахслар жиноятчилиги, халқаро ҳужжатлар, жазо, одил судлов, бола ҳуқуқлари.

Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 40 % ни ёшлар, 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар эса 30 % ни ташкил этишлигини, шунингдек дунёда содир этилаётган жиноятларнинг салмоқли қисми вояга етмаганлар томонидан содир этилаётганлиги, улар орасида эса озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлари ҳам борлиги вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш ва содир этилган жиноятлар бўйича эса одил судловга эришиш борасида зарур чора-тадбирлар кўриш лозимлиги хусусида ҳал этилиши лозим бўлган ишлар ҳамда вазифалар борлигидан далолат беради. Чунки юрт равнақи, халқ келажаги ва жамият ривожига ёшларга боғлиқ эканлиги барчамизга маълум. Шундай экан, вояга етмаган шахслар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш, содир этилган жиноят бўйича эса шахсни қайта тарбиялаш, ахлоқан тузатиш, ҳаётга мослашиши каби масалаларда муҳим ўрин тутадиган жазо турини тайинлаш, шунингдек жазо тайинлашда биринчи навбатда содир этилган жиноятини хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасини, болани ривожланганлик даражасини, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш, бир сўз билан айтганда одил судловни амалга ошириш орқали болани энг яхши





манфаатларига хизмат қиладиган қарор қабул қилишга эришиш лозим бўлади.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларни тарбиялашда энг муҳим жихатлардан бири бу уларга нисбатан жазо тайинлашда энг мақбул чорани қўллашга боғлиқдир. Яъни, жазонинг мақсади - адолатли ва тўғри жазо тайинланишидан келиб чиқиши кутилган натижа ҳисобланади. Бу албатта жиноят процессуал қонунчилигида жазонинг мақсадини ифодаловчи нормаларда ҳам акс этгани билан ҳам изоҳлашимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖК 42-модда 2-қисмига кўра, “жазо мақсадига: - маҳкумни ахлоқан тузатиш; - маҳкумни жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш; - маҳкумнинг янги жиноят содир этишини олдини олиш; - бошқа шахсларнинг ҳам жиноят содир этишларини олдини олиш киради[1]”. Тарбиялаш - жазонинг алоҳида бир мақсади сифатида жиноят содир этган шахсга жазо қўллаш орқали уни қонунга риоя этиш руҳида тарбиялаш, қонун ва ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш, ҳалол турмуш кечириш ва меҳнат қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш эса - жазонинг махсус мақсади сифатида шахсни, жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатларга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузига чек қўйилишини англатади. Жиноятни олдини олиш - жиноят ҳуқуқида иккига умумий ва махсус олдини олишга ажратилади. Умумий кўринишдаги олдини олиш деганда - бошқа шахсларнинг ҳам жиноят содир этишларини олдини олишни назарда тутса. Махсус олдини олиш эса- маҳкумнинг янги жиноят содир этишини олдини олишни назарда тутди[2].

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида белгиланган ушбу қоидалар ҳалқаро ҳужжат нормаларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ манфаатлари ҳимояси давлатларнинг миллий қонунчилиги ва ҳалқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинаётган бир қанча ҳужжатларда ўз аксини топган.


Инсон ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида ёндашув талаб этиладиган вояга етмаганлар хусусида миллий қонучилигимизга назар ташлайдиган бўлсак, бу масала давлат сиёсати даражасида эканлигини алоҳида қайд этишимиз жоиз. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 2-қисмида “боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли





ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир[3]”, 79-моддасига кўра эса, “давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради[3]”-деб белгилаб қўйилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22.04.2019 йилдаги ПҚ-4296-сонли қарори[4], “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 29.05.2019 йилдаги ПҚ-4342-сонли қарори[5], “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 29.05.2020 йилдаги ПҚ-4736-сонли қарори[6], Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 09.08.2021 йилдаги ПФ-6275-сонли Фармони[7], шунингдек 2021 йилни мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинганлиги, 2021 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлси Сенати Кенгашининг қўшма қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари- Бола ҳуқуқлари бўйича вакили лавозими жорий этилганлиги ва бошқа қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги билан аҳамиятлидир.

Вояга етмаган шахс яъни бола ҳуқуқларига оид ҳалқаро нормалар хусусида тўхталадиган бўлсак, бир қанча конвенция ва декларациялар қабул қилинганлиги ҳамда меморандумлар имзонланганлиги барчамизга маълум. Бундан ташқари, БМТнинг бир қатор ҳалқаро ҳужжатларида ва ихтисослашган органларининг протокол ва декларацияларида ҳам ўз аксини топганлигини гувоҳи бўламиз. Бола ҳуқуқларига оид қабул қилинган ҳалқаро ҳужжатлар барчамизга маълум эканлигини инобатга олиб, қуйида бу борада БМТнинг ҳалқаро ҳужжатларида ва ихтисослашган органларининг протокол ва декларациялари ҳақида тўхталишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Жумладан, 12.08.1949 йилда қабул қилинган “Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конвенция[8]” (IV – Женева конвенцияси) ва Женева конвенцияларига 1977 йилдаги I-II Қўшимча протоколларда болаларга ҳарбий ҳаракатлар оқибатларидан махсус ҳимоя






тақдим этишни назарда тутати. Бундан ташқари, БМТнинг муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини (жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи) қамраб оловчи универсал ҳужжатларида ҳам бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар ўз аксини топган. Яъни, Халқаро фарзандликка олиш соҳасида болаларни ҳимоя қилишга оид 33-сонли Гаага конвенцияси; БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги конвенциясига- Инсонлар, хусусан аёллар, болалар трафикини олдини олиш, таъқиқлаш ва жазолашга доир Палермо протоколи шулар жумласидандир.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ювенал юстицияга оид ҳужжатлари ҳам борки буларни алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Булар, биринчиси- 1985 йилда қабул қилинган “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари” бўлиб, баъзан “Пекин қоидалари” деб ҳам юритиладиган бу ҳужжатдаги қоидалар “жиноий жавобгарликнинг энг ёш чегараси, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш мақсади, вояга етмаганларга нисбатан самарали, адолатли ва мурувватли одил судловни амалга оширишнинг хусусиятлари ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида қўлланилиши лозим бўлган принциплар[9]” каби масалаларга дахлдордир.


Иккинчиси- 1990 йилда қабул қилинган “Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари” (Токио қоидалари) да белгиланган қоидалар ва ундан кўзланган мақсад, “иштирокчи давлатлар ўз умумий манфаатларига мувофиқ ҳолда балоғатга етмаган ўғил ёки қиз бола ва унинг оиласи фаровонлигига кўмаклашиш учун интилиши зарурлиги, аъзо давлатлар ўсмирни жамиятда мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлаш имконини берувчи шарт-шароитларни яратишга интилиши кераклиги, ҳаётининг айни шу даврида ножоиз ҳулқа кўпроқ мойиллиги бўлган ўғил ёки қиз боланинг имкон қадар жиноят содир ва ҳуқуқбузарликларни содир этиш эҳтимолидан ҳоли шахс сифатида камол топиши ва таълим олиши билан боғлиқ жараёнда бундай саъи-ҳаракатнинг фойдаси тегишлиги, имкон қадар мавжуд барча захираларни, шу жумладан, оила, кўнгиллилар ва жамиятнинг бошқа гуруҳларини, шунингдек мактаблар ва шу каби бир қатор ижтимоий институтларни тўла жалб этган ҳолда ўсмирнинг фаровонлигига кўмаклашиш ҳамда шу билан унинг ҳаётига қонун томонидан аралашув заруриятини камайтириш, қонун билан зиддиятда





бўлган ўсмирга самарали, адолатли ва инсоний муомала қилиниши таъминлаш мақсадаларини кўзда тутувчи мақбул чораларни қўллашга етарлича эътибор қаратилиши лозимлиги[10]” қайд этилган.

Учинчиси- 1990 йилда қабул қилинган “Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (Ар-Риёд дастурий принциплари) бўлиб, мазкур ҳужжатда асосий принциплар, дастурий принципларнинг қўлланиш доираси жиноятчиликнинг олдини олинишининг умумий йўналишлари, жамият ҳаётига тайёрлаш жараёнлари, ижтимоий сиёсат, қонунчилик ва балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритиш, тадқиқотлар, сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш тўғрисидаги асосий қоидалар ўз аксини топган. Шу билан бирга ушбу дастурий принципларда- “вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олишдаги энг муҳим шартлари уларни қонуний, ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этиб ва жамият ҳамда ҳаётга нисбатан инсонпарварқарашларни ҳосил қилган ҳолда, жиноий фаолиятга йўл қўймайдиган тамойиллар асосида тарбияланиши эканлиги ҳисобланиб, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олиш самарали бўлиши учун ўсмирларнинг комил инсон бўлиб етишишлари, уларнинг шахсига ҳурмат ва болаликдан бошлаб уларнинг ривожланишини қўллаб қувватлаш мақсадида бутун жамиятнинг сайи-ҳаракатлари зарур эканлиги қайд этилган. Шунингдек, мазкур раҳбарий принципларни шарҳлаш мақсадини кўзлаб, болалар эҳтиёжларига эътибор қаратилиши кераклиги, ёшлар жамиятда фаол иштирок этишлари ва тўлақонли иштирокчилари бўлишлари лозимлиги ва аксинча, жамият ҳаётига тайёргарлик кўрувчи ёки назорат объекти сифатида қаралмаслиги кераклиги, ушбу раҳбарий принципларни амалга оширишни кўзлаб, миллий ҳуқуқий тизимларга мувофиқ равишда жиноятчиликни олдини олишга қаратилган ҳар қандай дастурнинг диққат маркази ёшларни эрта болаликдан бошлаб фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклиги, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган ривожланиб боровчи сиёсатни амалга ошириш ва мунтазам равишда таҳлил этиб бориш ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим ва зарурлигини эътироф этиш кераклиги, шу билан бирга, болани ўз-ўзига ёки бошқаларга жиддий зиён етказмайдиган ҳатти-ҳаракати учун жазолашдан қочиш кераклиги, бундай сиёсат ва чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутиши лозимлиги яъни, имкониятлар яратиш, хусусан таълим олиш соҳасида имкониятларни яратиш, ёшларни





турли эҳтиёжларини қондириш ҳамда барча ёшларнинг камол камол топтиришда ва айниқса ҳавф остида турувчи ёки ижтимоий ҳавфли ҳолатга келиб қолган ҳамда алоҳида эътибор ва ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш; вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни келиб чиқишига олиб келувчи сабаб ва шарт шароитларни олдини олишга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш, бу тоифадаги шахсларни жиноятчилигини олдини олишга қаратилган махсус назариялар ва асосли ёндашувлар асосида чора-тадбирлар белгилаш, биринчи навбатда вояга етмаганнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий адолатга асосланиб ва ҳолис тарзда расмий органларнинг аралашуви; барча ёшларнинг бахт-саодати, ривожланиши ва манфаатларини таъминлаш; ёшларнинг умумий ижтимоий меъёр ва қадриятларга мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари кўпинча вояга етиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб қоидага кўра, улар катта бўлган сайин ўз-ўзини англаб боришини инobatга олиш; кўпчилик экспертларнинг фикрича вояга етмаган шахсга “бузғунчи”, “бузар” ёки “ёш жиноятчи” тамғасини босиш, уларда номақбул хатти-ҳаракатларнинг ривож топишига асос бўлишлиги[11] баён этилган.

Юқорида баён этилганлар фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш борасида бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан эса одил судловни амалга ошириш орқали боланинг энг яхши манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинишига эришиш лозим. Бунда албатта қонунчилик нормаларига тўлиқ амал қилган ҳолда ва Ўзбекистон ратификация қилган халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўла амалга оширилишини таъминлаш орқали эришиш мумкин

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖК 42-модда.
2. Ҳ.Очилов, Э.Тургунбоев “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув-услубий қўлланма // Тошкент- 2013. 81-бет
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. <https://lex.uz/docs/6445145#6446164>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар





тўғрисида”ги 22.04.2019 йилдаги ПҚ-4296-сон қарори
<https://lex.uz/docs/4302023>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 29.05.2019 йилдаги ПҚ-4342-сонли қарори <https://lex.uz/docs/4357207>

6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 07/20/4736/0680-сон

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 09.08.2021 йилдаги ПФ-6275-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/5570490>

8. БМТнинг 12.08.1949 йилдаги «Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенция. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946-XII-сонли «Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларига ҳамда халқаро тусдаги ва халқаро бўлмаган тусдаги қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларига доир қўшимча протоколларга қўшилиш ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган.

9. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/33-қарори билан қабул қилинган, “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари” (“Пекин қоидалари”).

10. БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 14 декабрдаги 45/110-қарори билан қабул қилинган, “Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари” (Токио қоидалари).

11. Ар-Риёд дастурий принциплари, БМТ БА Резолюциси 45/112 ,1990 йил.

